

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кӯчаси, 5-үй  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz


2016 йил 16 ноябрь  
8/6-921/4-сон

“O’zbekneftgaz”  
milliy xolding kompaniyasi  
aksiyadorlik jamiyat  
(128)

“O’zbekneftgaz” milliy xolding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyatining  
янги таҳрирдаги устави 2016 йил 16 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан  
ўтказиш бошқармаси бошлиғи

М.Махмудов



Ўзбекистон Республикаси  
Адлия Вазирлиги томонидан  
**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**

«16» ноябрь 2016 й



**ТАСДИҚЛАНГАН**  
**«O'zbekneftgaz» Milliy xolding**  
**kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati**  
**акциядорларининг умумий йигилиш**  
**баенномаси асосида**  
**«04» ноябрь 2016 йил 2-сонли**

**«O'ZBEKNEFTGAZ»  
Milliy xolding kompaniyasi  
aksiyadorlik jamiyati  
УСТАВИ**

**(янги таҳрир)**

Тошкент – 2016 йил

## **I - бўлим. Умумий қоидалар**

1.1. Акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги ПФ-2154-сонли «Ўзбекнефтгаз» нефт ва газ саноати Миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 декабрдаги 523-сонли «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги ва 2003 йил 21 октябрдаги 460-сонли «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сонли «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2008 йил 1 июлдаги ПҚ-906-сонли «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ижро этувчи аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорлари асосида тузилган ва фаолият кўрсатмоқда.

1.2. Компания барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, доромадлар даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

## **II-бўлим.**

### **Компаниянинг фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили**

2.1. Компаниянинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:

***«O’zbekneftgaz» Milliy xolding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati;***

Компаниянинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:

***«O’zbekneftgaz» MXK;***

Компаниянинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

***Национальная холдинговая компания акционерное общество  
«Узбекнефтегаз»;***

Компаниянинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

***HNC «Узбекнефтегаз»;***

Компаниянинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

***Joint-Stock National Holding Company «Uzbekneftegaz»;***

Компаниянинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

***NHC «Uzbekneftegaz».***

2.2. Бундан буён матнда «Компания» деб аталувчи «O’zbekneftgaz» Milliy xolding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyatining жойлашган ери ва почта манзили:

***100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани,  
Истиқбол кўчаси, 21-йи.***

2.3. Компаниянинг электрон почта манзили: ***kans@uzneftegaz.uz.***

2.4. Компаниянинг расмий веб сайти: ***www.ung.uz.***

### **III-бўлим. Компаниянинг ҳуқуқий мавқеи**

3.1. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансига, алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эгадир. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга хақлидир.

3.2. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.4. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобрақамларни очишга хақлидир.

3.5. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.6. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга хақли.

### **IV-бўлим. Компания фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади ва ҳуқуқлари**

4.1. Компания ўз фаолияти давомида таркибига кирувчи акциядорлик компаниялари ва жамиятлари, ташкилотлари ва корхоналарини услубий бошқаради ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради.

4.2. Компания фаолиятининг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

4.2.1. Компания таркибига кирувчи акциядорлик компаниялар ва жамиятлар, ташкилотлар ва корхоналар фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш;

4.2.2. Компания олдида турган соҳа ривожланишининг стратегияси ва истиқболларини, тактика ва вазифаларини белгилаш;

4.2.3. Республика иқтисодиёти ва аҳолисини нефт маҳсулотлари ва газга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш.

4.3. Компания ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун қўйдаги вазифаларни ҳал этади:

4.3.1. нефт ва газ маҳсулотларига оид геологик қидиув ишларининг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш ва мувофиқлаштириш, аниқлаш ва назорат қилиш, нефт ва газ конларини қазиб олишни самарали тизимлари ва усувларини жорий этиш;

4.3.2. хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва сармоявий ҳамкорликни ҳар жиҳатдан кенгайтириш;

4.3.3. нефт, газ ва нефт маҳсулотларини республика ва дунё бозорларидағи талаб ва таклифини ўрганиш натижаларидан келиб чиқсан ҳолда сармояларни жалб этиш;

4.3.4. газ таъминоти ва нефт маҳсулотлари билан таъминлаш тизимининг фаолияти устидан назорат олиб бориш;

4.3.5. соҳа ташкилотларида янги технологиялар ва менеджментнинг илғор усулларини жорий этиш.

4.4. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

4.5. Компания рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

4.6. Компания қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.6.1. ўз филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

4.6.2. юридик шахс бўлган шўйба хўжалик жамиятлари ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиш;

4.6.3. ўз маблағларини қўшма ва бошқа турдаги корхоналар ташкил этишга жалб этиш ва тегишли даромад ва фойда олиш учун бошқа турдаги фаолиятларни амалга ошириш;

4.6.4. ишга меҳнат шартномаси асосида қабул қилиш, ишга фуқаролик – ҳуқуқий шартномаси (контракт) асосида жалб этиш, ишга вақтинчалик ва бошқа турдаги ижодий жамоатлар ҳамда мустақил фуқароларни пурдат шартномалари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат келишув битимлари шартлари билан жалб этиш;

4.6.5. профилактик-даволаш ва тиббий-консультатив (маслаҳат) муассасаларига ва ижтимоий инфратузилмаларнинг бошқа объектларига эга бўлиш;

4.6.6. соҳа ишчилари ва акциядорларнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида дам олиш зоналари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа муасасаларга эга бўлиш ва (ёки) уларни ижарага олиш.

4.7. Компания ўз олдига қўйилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш мақсадида бошқа ҳуқуқларга хам эгадир.

## V-бўлим.

### Компания устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

5.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Компания томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

5.2. Компания Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 4 225 426 927 000 (тўрт триллион икки юз йигирма беш миллиард тўрт юз йигирма олти миллион тўққиз юз йигирма етти минг) сўмни ташкил қиласи ҳамда номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 4 225 426 927 (тўрт миллиард икки юз йигирма беш миллион тўрт юз йигирма олти минг тўққиз юз йигирма етти) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

## **VI-бўлим.**

### **Компания акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари**

6.1. Компания томонидан 4 225 426 927 (тўрт миллиард икки юз йигирма беш миллион тўрт юз йигирма олти минг тўққиз юз йигирма етти) дона эгаси ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

6.2. Компания устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 996 028 253 061 (тўққиз юз тўқсон олти миллиард йигирма саккиз миллион икки юз эллик уч минг олтмиш бир) дона эгаси ёзилган оддий акциялардан иборат.

6.3. Компания акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

## **VII-бўлим.**

### **Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш**

7.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.2. Кўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин.

7.3. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

7.4. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

7.5. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

7.6. Компаниянинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

7.7. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Компаниянинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7.8. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали хисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равища тақсимланади. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши

натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

7.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Компаниянинг Бошқарувчилар кенгashi томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

7.10. Компания акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун хужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

7.11. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш хуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш хуқуқига эга.

7.12. Компаниянинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулқ, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хуқуқлар (шу жумладан мулкий хуқуқлар) орқали амалга оширилади. Компаниянинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорида белгилаб қўйилади.

7.13. Компаниянинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

7.14. Агар Компаниянинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Компаниянинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

7.15. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.16. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Компания устав фондининг (устав капиталининг) Компания уставидаги тегишли ўзгартирishларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

7.17. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.18. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7.19. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу хақда ёзма шаклда хабардор қиласди. Кредиторлар Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

### **VIII-бўлим.**

#### **Компания бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари**

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Бошқарувчилар кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) Компаниянинг бошқарув органларидир.

8.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юкори бошқарув органидир.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания Бошқарувчилар кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания Бошқарувчилар кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.4. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўtkазиши шарт.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши июнь ойида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг Бошқарувчилар кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Компаниянинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун хужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Компаниянинг йиллик ҳисботи, Компания Бошқарувчи ва Бошқарувчилар кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

8.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши томонидан белгиланади.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

8.8.1. Компания уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Бошқарувчилар кенгаши қарори билан Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

8.8.2. Компанияни қайта ташкил этиш;

8.8.3. Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

8.8.4. Компания Бошқарувчилар кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

8.8.5. эълон қилинган акцияларнинг энг қўп миқдорини белгилаш;

8.8.6. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

8.8.7. ўз акцияларини олиш;

8.8.8. Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва уни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек Компания Бошқарувчилар кенгаши Компаниянинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

8.8.9. Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

8.8.10. Компаниянинг йиллик хисоботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш. Зарур ҳолларда Компаниянинг тасдиқланган ривожлантириш стратегияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

8.8.11. Компаниянинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

8.8.12. Компания Бошқарувчилар кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания Бошқарувчилар кенгашининг хисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиши;

8.8.13. имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

8.8.14. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

8.8.15. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

8.8.16. Компаниянинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юкори миқдорларини белгилаш;

8.8.17. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.8.18. Компаниянинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлик битмларни аниқлаш;

8.8.19. хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

8.8.20. мустақил профессионал ташкилотлар – маслахатчиларни жалб қилган холда бизнес жараёнлар ва лойихалар Компаниянинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги хар йиллик тахлилини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

8.8.21. Ички назорат, Дивиденд сиёсати, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

8.8.22. мазкур Компания уставига ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида мухим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар Компания акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Компания фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

8.11. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Компания Бошқарувчилар кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

8.12. Акциядорлар (акциядор) Компания Бошқарувчилар кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш қунидан кечиктирмай ўзгаришишлар киритишга ҳақли.

8.13. Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши кузатув кенгаши вазифасини бажаради ва Компаниянинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

8.14. Компания Бошқарувчилар кенгашининг сон ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 сентябрдаги ПҚ-461 - сонли қарори билан тасдиқланган ва 16 кишидан ташкил топган.

8.15. Компания Бошқарувчилар кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

8.15.1. Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания Бошқарувининг ҳисоботини

мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

8.15.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

8.15.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

8.15.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

8.15.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

8.15.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

8.15.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8.15.8. Компаниянинг Бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

8.15.9. Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

8.15.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

8.15.11. Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Бошқарувчилар кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Бошқарувчилар кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

8.15.12. аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

8.15.13. Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

8.15.14. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

8.15.15. Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

8.15.16. Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

8.15.17. Компаниянинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

8.15.18. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

8.15.19. Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

8.15.20. Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.15.21. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

8.15.22. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

8.15.23. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

8.15.24. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

8.15.25. Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.15.26. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

8.15.27. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш.

8.15.28. хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

8.15.29. акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган доирада, хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш;

8.15.30. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш.

8.15.31. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

8.15.32. Бошқарувчилар кенгаши қошида қўмиталар (ишли гурухлар) тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

8.15.33. акция ва улушларга Компания эгалик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг бошқарув органларида Компания номидан унинг вакилларини овоз бериш тартибини тасдиқлаш.

8.16. Компания Бошқарувчилар кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

8.17. Компания Бошқарувчилар кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

8.18. Компания Бошқарувчилар кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

8.19. Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта салланиши мумкин.

8.20. Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

8.21. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг Бошқарувчилар кенгашига салланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

8.22. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания Бошқарувчилар кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.23. Компания Бошқарувчилар кенгашининг раиси Бошқарувчилар кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаши таркибидан Бошқарувчилар кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

8.24. Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши ўз раисини Бошқарувчилар кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

8.25. Компания Бошқарувчилар кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Бошқарувчилар кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласи.

Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши мажлисини чакирилишини талаб қилишга ҳақли.

8.26. Компания Бошқарувчилар кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бошқарувчилар кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Компания Бошқарувчилар кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Бошқарувчилар кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.27. Компания Бошқарувчилар кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

8.28. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

8.29. Бошқаруви 5 (беш) кишидан иборат бўлиб (Бошқарув раиси, раиснинг биринчи ўринбосари ва 3 (учта) раиснинг ўринбосарлари) бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

8.30. Компания Бошқарув раиси Компания акциядорларининг умумий йиғилиши Бошқаруви аъзолари эса Компания Бошқарувчилар кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки (ёхуд) Компания Бошқарувчилар кенгашининг қарорига кўра Компания Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

8.31. Компания Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари қонун хужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Компания билан

бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

8.32. Шартнома Компания номидан Компания Бошқарувчилар кенгашининг раиси ёки Бошқарувчилар кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.33. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

8.34. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Компания Бошқарувчилар кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

8.35. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (bekor қилишга) ҳақли.

8.36. Компания Бошқарувчилар кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (bekor қилишга) ҳақли.

8.37. Компания Бошқарувчилар кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (bekor қилиш) хуқуқига эга.

8.38. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Компания Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Компания Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Компания Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиши учун қолдирилиши мумкин.

8.39. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Компания Бошқарувчилар кенгаши Компания Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Компаниянинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

8.40. Компания Бошқарувининг ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Компания Бошқарувчилар кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.41. Компаниянинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Компания Бошқарувчилар кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

8.42. Компания Бошқарув раисининг ваколатлари (хуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

8.42.1. ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;

8.42.2. Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

8.42.3. Компания номидан ишончномаларни бериш;

8.42.4. ўз ваколатлари доирасида, Компания номидан битимлар тузиш;

8.42.5. ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

8.42.6. Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

8.42.7. штатларини тасдиқлаш;

8.42.8. Компаниянинг барча ходимлари, акциядорлик жамиятлари ва ташкилотлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;

8.42.9. Компания Бошқарувчилар кенгашининг ишида иштирок этиш;

8.42.10. банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;

8.42.11. Компаниянинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

8.42.12. давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

8.42.13. Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

8.42.14. Компания ходимларини уй-жой сотиб олишлари ва уй-жой курилишлари учун мақсадли пул маблағлари билан таъминлаш;

8.42.15. Компания Бошқарувчи раиси Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, мазкур устав ва Компаниянинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (хукуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.

8.43. Компания Бошқарувининг ваколатлари (хукуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

8.43.1. ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

8.43.2. Компаниянинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

8.43.3. Компаниянинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Бошқарувчилар кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;

8.43.4. акциядорлик жамиятлар, ташкилотлар, ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган Компания Бошқарувининг қарорларини қабул қилиш;

8.43.5. Компания филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

8.43.6. Компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

8.43.7. Компаниянинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

8.43.8. қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши ва ишончлилигини, хамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

8.43.9. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар Компаниянинг Бошқарувчилар кенгаши, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;

8.43.10. ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Компания бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Компания бошқаруви қарорига мувофиқ Бошқарувчилар кенгаши хукмига ҳавола этилиши мумкин);

8.43.11. Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

8.43.12. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукуқларига риоя қилиш;

8.43.13. ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

8.43.14. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ҳамда Компания ички хужжатларига риоя қилиш;

8.43.15. Компаниянинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, мазкур устав ва Компаниянинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (хукуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **IX-бўлим. Компаниянинг фондлари**

9.1. Компанияда соф фойда ҳисобидан захира ва уй-жой қуриш ва сотиб олиш фондлари ташкил этилади.

9.2. Компания устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

9.3. Компаниянинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг захира фонди Компаниянинг заарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.5. Компаниянинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.6. Агар Компаниянинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

9.7. Уй-жой қуриш ва сотиб олиш фондини шакллантириш Бошқарувчилар кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш шарти билан Компания соф фойдасидан ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

9.8. Уй-жой қуриш ва сотиб олиш фондининг маблағлари Компаниянинг ишчи-ходимларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида ишлатилади.

9.9. Компания қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

## **X-бўлим. Дивидендларни тўлаш**

10.1. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўқкиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

10.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **XI-бўлим. Компаниянинг фаолиятини назорат қилиш**

11.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга З аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайданади.

11.2. Компания тафтиш комиссияси аъзоларида доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайданиши мумкин эмас.

11.3. Компания тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун хужжатлари ва Компаниянинг мазкур устави билан белгиланади.

11.4. Компания тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Компания ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания Бошқарувчилар кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.6. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Компания Бошқарувчилар кенгашининг ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Компания Бошқарувчилар кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидағи фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.7. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Компаниянинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.8. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Компания ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига

риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда Компания Бошқарувчилар кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 11.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Компаниянинг Бошқарувчилар кенгашига ҳисобдордир.

11.10. Компаниянинг ички аудит хизмати Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Компания уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласиди ҳамда баҳолайди.

11.11. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда Компания молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хulosасини тақдим этади.

11.12. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

11.13. Компанияда Бошқарувчилар кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

11.14. Компания корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Компания Бошқарувчилар кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **XII-бўлим. Якуний қоидалар**

12.1. Компания акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Бошқарувчилар кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

12.2. Компания уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

12.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлик масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Компаниянинг акциядорлар умумий йиғилиши тұғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Компания Бошқарувчилар кенгәши, ижроия органды тафтиш комиссиясининг фаолият күрсатын тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланған низомларда белгиланади.

12.7. Компаниянинг миноритар акциядори асосиз равищда хужжатларни талаб қилиб олиш ва махфий маълумотлардан, тижорат сиридан фойдаланиш орқали Компания бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

12.8. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

«O’zbekneftgaz» MXK  
Бошқарув раиси



А. Султанов

Пронумеровано и пронумеровано

на 18 листах

